Маълумот учун, Доналд Туск 2007-2014 йилларда Польша Бош вазiri бўлган ва 2014-2019 йилларда Европа Кенгаши раиси лавозимида ишлаган.

Украина – Россия уруши фонидан бошқа фарб давлатлари каби Польшада ҳам ахолининг кўпчилигига фарб билан бирлашиш кайфияти усувор экани натижаларда яққол кўринди, дейиш мумкин.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ
тайёрлadi.**

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОЛЛАРНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Фуқаролик коалицияси вакиллари амалдаги Бош вазир Матеуш Моравецкий ва "Қонун ва адолат" партиясини суд тизими сиёсийлаштирганликда, оммавий ахборот воситаларини ўзининг ташвиқот воситасига айлантирганликда ва ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун давлат ресурсларидан фойдаланганликда, шу билан бирга, Польшанинг Европа Иттифоқидаги мавқеяга путур етказаётганинг айлашган.

Коалиция вакиллари "сиёсийлашган", дея таъкидланган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини бекор қилишга, Польшанинг ЕИ билан кескинлашган алоқаларини яхшилашга вайда беришган.

Ўз навбатида амалдаги ҳукумат ўзининг фаровонлик дастурлари ва энг кам иш ҳақини ошириш каби ислоҳотлари билан машҳур эди. Бу ислоҳотлар орқали миллионлаб поляклар турмуш даражасини оширишга эришганди.

Улар ижтимоий ҳаражатларни янада оширишга, доимий армия ходимларни 300 000 аскарга кўйтиришни режалаштиришган эди.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, Доналд Тускнинг тажрибали сиёсатчи эканлиги ҳам галабанинг асосий сабабларидан бўлган.

Маълумот учун, Доналд Туск 2007-2014 йилларда Польша Бош вазiri бўлган ва 2014-2019 йилларда Европа Кенгаши раиси лавозимида ишлаган.

Украина – Россия уруши фонидан бошқа фарб давлатлари каби Польшада ҳам ахолининг кўпчилигига фарб билан бирлашиш кайфияти усувор экани натижаларда яққол кўринди, дейиш мумкин.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ
тайёрлadi.**

O'zbekiston **XDP**
Xalq demokratik partiyasi

ҲАЁТИДАН



"УЙМА-УЙ" ЛОЙИХАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика Кенгаши, партиянинг Қораёзак туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлар гурухи аъзолари, партия фаоллари ва туман "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходимлари "Уйма-уй" лойиҳаси доирасидан эҳтиёжманд фуқаролар холидан хабар олиши.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган туман Кенгаши депутати Бийбираба Пиримбетованинг ёрдами билан "Досназаров" ОФИ худудида яшовчи ногиронлиги бўлган фуқаролар - Ж. Палуаниязова, М. Раметуллаева ва П. Курбаниязоваларга юришга кўмаклашиш мосламаси олиб берилди.



ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Зарбдор туман Кенгаши Кенгаши томонидан Ш. Рашидов номидаги вилоят кутубхона марказида давра сұхбати ташкил қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси Жиззах вилоят бўлуми, Олмачи ҳарбий кисм командирлари, Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби ўқувчиҳамда ўқувчилари иштирок этган тадбирда янги таҳрир Конституцияга киритилган ўзгартриш ва кўшимчалар мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Таъкидланганидек, кейинги йиллarda мамлакатимизда амалга оширилётган кенг кўламли янгилашнишлар мутлақо яхнечи мухитни юзага келтирмокда. Бу эса янги давр ислоҳотлари учун ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Мадҳиясида эса ҳалқимизнинг эззи орзу-умидлари, келажакка мустаҳкам ишончи терар ифодаланган. Унда мардона ва шарафларга бой ўтмишимиз, миллий анъана ва қадрияларимиз, тинчлик, осоишталик, миллатлараро тутувлик ва бирордлик каби умуминсоний тўйғулар тараннум этилган.

Давра сұхбати давомида ёшларни қизиқтирган барча саволларга жавоблар берилди. Ижод мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган саҳна кўриниши барчага маъқул бўлди.

МЕНИНГ ҲУҚУҚЛАРИМ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31 йиллиги байрами муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика Кенгаши ва Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси худудий бўлими билан ҳамкорликда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат универсиетида таҳсил олаётган ногиронлиги бўлган талаба ёшлар билан «Менинг ҳуқуқларим» мавзусида давра сұхбати ўтказилди.

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумий, юртнинг жадал ривожланиши, майян иютукларга эришиши, ҳалқининг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажигига бериладиган этибзор даражасига чамбарчас боғлик. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериси борасида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишида тақомиллаштириб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддасида: «Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинishi таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ёхётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланishi ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишига, соғлиғини саклашга, ўй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишига бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади» - деб белгиланган.

Давра сұхбатида Конституцияга киритилган бошқа ўзгартишлар бўйича ҳам маълумотлар берилди.

ЎзХДП Ахборот ҳизмати.

"ONALIK VA BOLALIK MUHOFAZASI DOIMIY E'TIBORDA"

loyihasi doirasida amalga oshirilgan ishlar

2023 yil noyabr oyi davomida



2484 nafar

1011 nafar

229 marotaba

Eo

209 nafar

7385 nafar



SOG'LOMLASHTIRISH SPORT MUSOBAQALARIDA
ISHTIROK ETGAN XOTIN-QIZLAR

DAVOLANISH UCHUN TAVSIYA VA YO'LLANMALAR BERILGAN
XOTIN-QIZLAR

ONALIK VA BOLALIK MUHOFAZASIGA BAG'ISHLAB O'TKAZILGAN
TADBIRLAR

BEPUL DAVOLANISH UCHUN XOTIN-QIZLARGA
BERILGAN ORDERLAR

BEPUL TIBBIY KO'RIKDAN O'TKAZILGAN
XOTIN-QIZLAR

MATBUOT ANJUMANI

"ТУРОНБАНК":

ЙИРИК МИЖОЗЛАР, БАРКАРОР ИШ ЎРИНЛАРИ



"ТУРОНБАНК" АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗДИ. ТУРЛЯ ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР БИЛАН ЙИРИК КОМПАНИЯЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАНИ КАФОЛАТЛИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛИШИДА МУҲИМ АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ.

МИСОЛ УЧУН, ЎТГАН БИР ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ СОНИ 40 МИНГТАГА КўПЛАЙБ, УЛАРНИНГ СОНИ 490 МИНГТАГА ЕТГАН БЎЛСА, ЎРТА ТАДБИРКОЛЛАР СОНИ 10 МИНГ НАФАРНИ, ЙИРИК КОРХОНАЛАР ЭСА 1,5 МИНГТАНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА. АЛБАТТА, УЛАРНИНГ САФИДА "ТУРОНБАНК" АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ МИЖОЗЛАРИ АНЧАГИНАН ТАШКИЛ ЭТАДИ. ХОЗИРДА МОЛИЯ МУАССАСИННИГ РЕСПУБЛИКА МИКЁСИДАГИ 21 ТА БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ ВА 72 ТА БАНК ОФИСИ ОРҚАЛИ 32 МИНГДАН ЗИЁД ЮРИДИК ШАХСЛАРГА СИФАТИ ВА ТЕЗКОР ХИЗМАТ КЎРСАТИБ КЕЛИНМОҚДА.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 925 та ишбилиармоннинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш максадида 1,4 трилион сўмилик кредитлар ажратилди. Шундан 225 миллиард сўми кичик бизнес вакиллари, 65,4 миллиард сўми аёллар тадбиркорлиги, 184,8 миллиард сўми ўзини-ўзи банд қўлган ёшлар стартапларига ва 955,8 миллиард сўми бошқа турдаги кредитлар хиссасига тўғри келмоқда. Ушбу ажратилган маблаглар эвазига кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, миллий брендлар сони кўпаймоқда. Бир сўз билан айтганда, банк бугунги кундан кўплаб йирик корхона ва ташкилотнинг ишончли ҳамкорига айланни улгурди.

- Мисол учун, аҳолимизга "Сирдарё Кафел" номи билан танилган "Peng Sheng" Узбекистон - Хитой кўшма корхонаси ҳам банкнинг йирик мижозларидан бири хисобланади, - дейди "Туронбанк" АТБ бoshkaruv raissi ўринbosari Dilshod Rustamov. - Ушбу иш бошланган вақтида умумий кўймати 26 миллион АҚШ доллари бўлган лойиханинг бугунги инвестицион имконияти 100 миллион АҚШ долларига чиқкан. Янги иш ўринлари сони эса 2 мингдан ошиди. Аввалига фақатгина керамика қафел ишлаб чиқарилган бўлса, банджимизнинг молиявий кўмаги билан сантехника маҳсулотлари, жора ишланган ва ишлов берилган терилар, декор панеллари, томчилатиб сугоришида фойдаланиладиган елим қувватлар, маҳсус сув ўтказгичлар ва плёнкалар, аёллар ва эраклар пойабзаллари, чарм буюмлар каби 15 та лойиҳа ташкил этилди. Маҳсулотлар экспорти МДХ давлатлари, Хитой ва Европагача чўзилди. Аҳамиятилиси, жорий йилнинг апрель ойидан давлатимиз раҳбари ушбу корхонанинг кўймати 10 миллион АҚШ доллари бўлган 2 та янги лойихасига ҳам шахсан старт бердилар. Улар мармар тошларидан 40 турдаги тайёр маҳсулот тайёлорда ва терининг чиқиндига чиқариб юбориладиган "оксил" қисмидан желатин ишлаб чиқаришдир.

Ўрни келганда айтиш лозимки, кўпчилик "Lochin" номи билан ўзимизда ишлаб

чиқарilaётган юқ ташувчи мотоциклларни кўрган ёки эшигтан бўлиши мумкин. Аввал асосан валютага Хитойдан импорт



килинган ушбу транспортни банкимиз максадида бўлган "Real Moto" корхонаси ишлаб чиқаришини бошлади. Ажратилган банк кредитлари эвазига олиб келинган технологиялар шу каби юқ мотоцикллари, квадратцикллар ҳамда уларнинг эҳтиёти қисмларини тайёрлаш имконини бермоқда. Хозирда ушбу техникаларни кўшини распубликаларга ҳам экспорт қилиш бошланган.

Шунингдек анжуманда, йирик ишбилиармонларнинг катта ҳажмадиги лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш максадида банк бир қатор ҳамкорлик институтлари билан узвий ҳамкорлик алоқаларини йўлга кўйгани ҳақида ҳам маълумот берилди. Хусусан, Осиё

даланмоқда.

Анжуманда "2020-2025 йилларга мўлжаллланган Узбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ни Президент фармонининг ижросини таъминлаш максадида кенг қароровли трансформация ишлари амалга оширилаётгани қайд этилди. Шунингдек, трансформация доирасида Жаҳон банки гурухига кирувчи Ҳамкар молия корпорацияси (IFC) билан ҳамкорлик ўрнатилиб, банкнинг бизнес жараёнини такомиллаштириш ишлари олиб борилаётгани ҳақида ҳам ахборот берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



"UYMA-UY" LOYIHASI

doirasida partiya tashkilotlari va deputatlar tomonidan xotin-qizlarga ko'rsatilgan amaliy yordamlar

2023 yil noyabr oyi davomida



1297 nafar ijtimoiy ko'makka muhitoj xotin-qizlara holidan xabar olingan



571 nafar xotin-qizlar muammolari aniqlangan




32 nafar xotin-qizlar nogironlik aravachasi bilan ta'minlangan



44 nafar xotin-qizlarga qo'litiq tayao, eshitish moslamasi olib berilgan



24 nafar xotin-qizlarga uy-joy bilan ta'minlashga ko'mak berilgan



94 nafar xotin-qizlar tikuv mashinasi bilan ta'minlangan



283 nafar xotin-qizlarga ish bilan ta'minlashda yordam berilgan



58 nafar xotin-qizlarga kredit olib berishda yordam berilgan



557 nafar xotin-qizlar kasb-hunar o'rganishga jalb etilgan



368 ta "Uyma-uy" loyihasi doirasida o'tkazilgan tadbirlar

БИЛАСИЗМИ?



Куёш электр станциясини тўлиқ ўз маблағидан курганларга компенсация берилади

Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг қийматини тўлиқ тўлаган ҳолда уларни харид қилган ва ўрнатган истеъмолчиларга харид харажатларининг бир кисми қўйдаги миқдорларда Тармоклардо энергияни тежаш жамғармаси хисобидан компенсация қилинади:

Куёш ёки шамол электр станциясини ўрнатганлар учун компенсациялар миқдори ўрнатилган куввати:

— 0,5 кВтдан 1 кВтгacha бўлганда БХМнинг 7 барабар (2 млн 380 минг сўм);

— 1 кВтдан 1,5 кВтгacha бўлганда БХМнинг 10 барабар (3 млн 400 минг сўм);

— 1,5 кВтдан 2 кВтгacha бўлганда БХМнинг 15 барабар (5 млн 100 минг сўм);

— 2 кВт ва ундан юқори бўлганда БХМнинг 20 барабар (6 млн 800 минг сўм);

— 5 кВт ва ундан юқори бўлганда БХМнинг 50 барабар (17 млн сўм), фақатгина янги ерлар ўзлаштирилганда ва тик қудуқларда ўрнатилган сув насосларининг тикрет энергияси истеъмоли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари орқали таъминланганда).



Ижтимоий нафақа олуви ёлғиз шахсларга ҳар ойлик компенсация тўланади

Ижтимоий нафақа олуви ўзгалар парваришига муҳтоҳ ёлғиз шахсларга компенсация тўлови жорий этилган.

Бунда, ижтимоий нафақа олуви ўзгалар парваришига муҳтоҳ ёлғиз шахслар учун ҳар ойлик компенсация тўлови — пенсияни хисоблашнинг базавий миқдорининг 45 фоизи миқдорида (167 минг 400 сўм) тўланади.

Шунингдек, ёши 100 га тўлган ва ундан ошган ижтимоий нафақа олуви шахслар учун ҳар ойда — пенсияни хисоблашнинг базавий миқдорининг 100 фоизи (372 минг сўм) миқдорида қўшимча тўлов белгиланган.

Бунда, 100 ёши 100 га тўлган ва ундан ошган фуқаролар нафақасига ҳар ойда тўланадиган қўшимча тўлов пенсияни таъинлаган ташкилот орнлиялаштирилади.

Компенсация тўлови, уни олиш хукуқига эга бўлган барча имтиёзи тоифадаги шахсларга, ушбу шахсларнинг пенсия (ижтимоий нафақа) олиши ёки олмаслиги ҳамда меҳнат фаолиятини олиб бориши ёки олиб бормаслигидан қатби назар тўлаб борилади.



Таълим муассасаларида ҳаво ҳарорати 16° С дан паст бўлмаслиги лозим

Таълим муассасаларининг ўкув хоналарида машгулотлар ўтказища меҳнатни муҳофаза килиш талабларига мувофиқ ўкув хоналарида ҳаво ҳарорати енгил жисмоний ишда 21° С, ўртача оғир ишда 17° С ва оғир ишда 16° С дан паст бўлмаслиги керак.

Физика ўкув лаборатория хонасида мунтазам равишда ҳарорат 18° С – 21° С, ҳавонинг намлиги 40 – 60 фоиз бўлиши керак.

Таълим муассасаси худудидаги ҳожатхоналар иссиқ сув ва канализация тизимига уланган бўлиши лозим.

Таълим муассасасида канализация тизими йўқ бўлганда давлат санитария назорати органлари билан келишилган ҳолда таълим муассасасида ер катламини ифлослантирган ҳолда душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган курилмали ахлат ўраларининг мавжуд бўлишига руҳсат этилади.



Туғилганликни тиббиёт муассасаларининг ўзида қайд этиш тартиби жорий этилган

Тиббиёт муассасалари томонидан туғилганлик ФХДЁ бўлимларида қайд килинганлиги хақида QR-кодни маълумотнома берилиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу маълумотнома гербли гувоҳномага тенглаштирилади ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан кабул килишни рад этиш қатъян тақиқланади.

Гувоҳнома эса фуқароларнинг исталган вактдаги мурожаатларига асосан ФХДЁ бўлимлари томонидан расмийлаштириб берилади.

ТАҲРИРИЯТ ВАКИЛИ АРАЛАШУВИ БИЛАН

11 ШИФОКОРНИ 7 ЙИЛДАН БЕРИ ҚИЙНАБ КЕЛГАН МУАММО 4 КУНДА ЕЧИМ ТОПДИ

Халқимиз саломатлигини асраш, тиббий хизмат сифатини ошириш, соҳа ходимларининг меҳнатини қадрлаш ва қўллаб-қувватлаш бугуннинг устувор вазифаларидан биридир.

Бу борада мамлакатимизда катта ўзгариш ва бекиёс янгиланишлар рўй бермоқда. Жойларда эса камчиликлар йўқ эмас.

Олтинсой туман тиббиёт бирлашмасида фаолият кўрсатаётган 11 нафар шифокор 7 йилдан бўён ойлик маошларига қўшимча равишда тўланиши лозим бўлган 223 миллион сўмдан ортиқ устама пулларини ололмай сарсон-саргардон эди.

Бунинг сабаблари нимада? Ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида бирлашмада бўлдик.

– Менхат фаолиятимга 35 йилдан ошиди, – дейди реанимация бўлими бошлиги Мамаисов Кўчаров. – Мъалумки, Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 10 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ташкилотлари тузилмасини янада оптималлаштириш ва соғлиқни сақлаш тизими

тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳам тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 292-сонли қарорида ойлик маошмизига 40 фоиз устама берилиши белгиланган. Ушбу ҳужжатга асосан 2016 йилнинг ноябрь ойидан соҳа ходимлари устама ола бошлади. Аммо биз бундан бе баҳра қолдик. Олтинсойда қонунларимизга, ҳукумат қарорларига амал қилинмайдими, деб ўйланиб қолардим бъазан.

– Тўғри, жорий йилнинг январидан этади устамалар тўланяпти, – давом эта ди анестезиолог-реаниматолог Нормүмин Ёдгоров. – Аммо 2016-2017-2018-2019-2020-2021-2022 йиллардаги маблағдан ханузгача дарак йўқ эди. Дардимизни ҳеч ким тингламайди. “Отанга бор, онангга бор” қабилидаги ишлардан кўпчилик жабр кўрди. Кандай йўл тутиш ва нима қилишга адашган эканмиз.

– Тўрт ойча аввал иш бошладим, – дейди тиббиёт бирлашмаси бошлиги Номоз Эшниёзов. – Ечимини кутаётган муаммолар бор экан. Қарздорликнинг 7 миллиард 500 миллион сўмдан ошиб кетгани янада таассусифли. Устама пулларининг ўз вақтида тўланимагани эса, тўғриси, дард устига чипкон бўлди.

Моддий манфаатдорлик яхшиланса, исда унум ва барака бўлади. Бу инсонга куч-кувват бағишилаш баробарида эртаниги кунга ишончни ҳам ошириши табиий. Собиқ раҳбарларнинг ишга панжа ортидан қараши натижасида мана шундай салбий холат кузатилмоқда.

– Устама пуллари ҳақиқатан ҳам оғрикли нуқталаримиздан бири бўлиб келаётганди, – дейди биз билан учрашган бирлашма иқтисодчиси Жонқобил Мансуров. – Сабабиз оқибат бўлмайди, деганларидек қарздорликнинг келиб чиқишида қатор омиллар бор. Бунинг учун ўз вақтида тегиши идораларга ҳам мурожаат қилинган. Масала ижобий ечим топмагандан кейин туман адлия ва молия бўлимлари мутасаддиларига учрашдим. Декабр ойининг дастлабки беш кунлигига масала ижобий ҳал қилинишига кафолат берилди.

Айрим мутасаддилар ўз ишига лоқайдик килса, бэзиларда беларвонлини кузатиши мумкин. Ҳолатдан қириб кетиш учун гина вайда берадиган масъуллар ҳам йўқ эмас. Шунгами, иқтисодчининг гапларига, тўғриси, унчалик ишонмагандик. Яхшиям, адашган эканмиз.

– Келганларнингиз яхши бўлган экан, – дейди мамнун ҳолда туғуруқхона бўлимининг анестезиолог-реаниматологи Эгамберди Қодиров. – Ишонасизми, 11 нафар шифокорни 7 йилдан бўён қиийнаб келаётган муаммо 4 кунда ечим топиб, 15 миллиондан 40 миллион сўмгача пул олдик. Кимдир жамғармасига қўшиб автомашина харид килган бўлса, бошқаси аллақачон тўй тадоригини бошлаб юборган. Бунинг учун “Ўзбекистон овози” газетаси таҳририятига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбари.**

Uzbekistan is fortifying the foundations of political stability by strengthening interethnic harmony and friendship in Central Asia

Uzbekistan is fortifying the foundations of political stability by strengthening interethnic harmony and friendship in Central Asia



Both its cultural and historical heritage, Uzbekistan, located on the crossroads of the Great Silk Road, for centuries served as a bridge between Europe, Middle East, India and East Asia. Tamerlane one of scariest, who laid the foundations of various disciplines were born and found their fate on this land.

ХИТОЙНИНГ «PSEARCHER» ЖУРНАЛИ:

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДЎСТОНА МУХИТ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Хитойнинг «Psearcher» журналида «Ўзбекистон Марказий Осиёда сиёсий барқарорлик, миллатларро тотувлик ва дўстона муҳит асосларини мустаҳкамламоқда» сарлавҳали мақола босилди, деб хабар бермоқда «Дунё» АА муҳбира.

Нашрида Буюк ипак йўли чорҳасида жойлашган Ўзбекистон асрлар давомида бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи ўзига хос кўпприк вазифасини ба жард келгани кайд этилган.

«Ўзбекистонда ҳозир ҳам турли миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб келмоқда, – дейилади мақолада. – Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб кўйилган «Ягона Ўзбекистон ҳалқи» тамоилии мамлакатда яшаётган, меҳнат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик тўйғуларини мустаҳкамлашда ҳуқуқий ва маънавий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, республика Конституциясининг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат құлуви миллиат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», – деб таъқидланган.

«Ўзбекистонда ҳукм сурәётган тинчлик осоиштишалик, дўстлик ва миллӣ бирлик ўзаро ҳурмат ва миллатларро тотувликнинг бебаҳо бойлигидир, – деб ёзган Хитой журнали. – Ўзбекистон Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада токомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ғи фармони бу борадаги муҳим қадам бўлди.

«Psearcher» журналида босилган материалда таъқидланганидек, Ўзбекистон Президентининг сиёсий иродаси туфайли мамлакатлар бағрикенглик тамоилини мустаҳкамлаш, қўшини давлатлар билан яқин дўстлик алоқаларини ўрнатиш борасида тоғыз мунисипалитетларни асослаштирилди.

«Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сесиясида илгари сурилган ташаббусга кўра, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш амалиёти ўйлга кўйилди, – деб маълум қилган босма нашр. – Ўзбекистоннинг кўшини давлатлар билан дўстлик ва қардошлик мунисабатлари янги суръат касб этиб, бутунлай янгича мазмун касб этиди.

Мақолада, шунингдек, БМТ Марказий Осиёнинг бешта давлати томонидан илгари сурилган асосий ташаббусларни, хусусан, ядро куролидан холи худудни барпо этиш, тероризмга қарши кураши, сувдан фойдаланиш масалаларни бўйича консенсусга эришиш ва бошқа дастурларни қўллаб-қувватлагани хабар қилинган.

Марказий Осиё демократик салоҳияти, табиии ресурслари, транспорт ва коммуникация тармоқлари билан тобора ортиб бораётган геосиёсий аҳамият касб этмоқда. Сўнгги пайтларда мамлакатлар ўртасидаги барча соҳалардаги ҳамкорликнинг жадаллашаштагани ўзаро товар айирбошлашнинг кўпайшиши ва ишбильармон доиралар вакиллари ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланишида намоён бўлмоқда.

«Ўтган етти йил ичидаги Ўзбекистоннинг ичкиси ва ташкили сиёсатида жийдид ўзгаришлар рўй берди. Бу ҳақда жаҳон ҳамжамияти вакиллари, ҳалқаро эксперт ва сиёсатчилар ҳам гапирмоқда. Ўзбекистоннинг кўшини давлатлар билан дўстона мунисабатларини тиклашни, тарихий алоқаларни янгича шароитда давом этитириши ўзбек халқининг интилиш ва истакларини намоён этади. Бу, ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатлари ҳалқлари ўртасидаги дўстона мунисабатларининг янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлаётir», – деб ёзган «Psearcher».

“АГРОБАНК” АТБ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШЯПТИ?

9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни. Ушбу сана муносабати билан “Агробанк” АТБ матбуот анжумани ўтказди.

– Содир этилган жиноятларга, албаттат, жавобгарлик муқаррар бўлиши лозим, – дейди “Агробанк” АТБ бошқарув раиси ўринбосари Азamat Тўраев. – Банкимиз тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича тасдиқланган режа асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, банк тизимида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича коррупциявий хавф-хатарларни харитаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, ҳар бир банк бўлинмасининг иш фаолияти ҳамда функциясидан келиб чиқиб, уларнинг коррупциявий хатар даражалари аниқланди. Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш максадида банк ходимлари ўтасида қонунларни ишлаб чиқибди. Фуқароларни сарсон килишга чек кўйиш ва улардан қабул қилинаётган ҳужжатлар юзасидан таъмогирликка йўл қўймаслик лозимлиги тушунтирилмоқда.

– Банк раҳбарият томонидан коррупциявий ҳолатларнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ва унга қарши курашиш энг устувор вазифа этиб белгиланган, – дейди “Агробанк” АТБ Комплаенс назорат департamenti директори Хуршибек Рахимов. – Шу билан бирга, банк тизимида комплайнс назорат соҳасининг ҳуқуқий базаси яратилган ва ички меъёрий ҳужжатларга



қўйилган талаблар токомиллаштирилиб борилмоқда.

Бундан ташқари, фуқаролар ва мижозлар томонидан коррупцион ҳолатлар юзасидан тезкор хабар бериш мақсадида 24/7 режимида фаолият юритувчи расмий телеграм бот (@agrobankcompliancebot), тезкор ишонч телефони (+998712028008 ёки 1216), compliance@agrobank.uz алоҳида электрон почтаси, agrobank.uz сайтида коррупция ҳолатларига оид алоҳида саҳифа юритувчи жорий этилган. Буғунги кунда банкка оид бўлган 115 та ички меъёрий ҳужжатлар экспертизадан ўтказилиб, те-

гиши тартибида ўзгартиришлар киритилди.

Тадбирда жорий йилнинг ўтган даврида банк тизимида ишга киришга номзодлар бўйича ўтказилган ўрганишлар 19 та ҳолатда манфаатлар тўқнашуви, банк тизимида ишловчи ходимлар орасида 33 та ҳолатда тўғридан-тўғри манфаатлар тўқнашуви аниқлангани қайд этилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Тоштемир МУРОД.



O'zini o'zi band qilgan fuqarolarning pensiyaga chiqishlari tartibi!

O'zbekiston Respublikasining “Fuqarolarning davlat pensiya ta'minoti to'g'risida”gi Qonuniga muvofiq:

Erkaklar – 60 yoshga, ayollar – 55 yoshga to'lganda va mehnat stajni kamida 7 yil bolganda to'liqsiz yoshga doir pensiya tayinlanishi belgilab qo'yilgan.

Fuqarolar O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 8 iyundagi “Tadbirkorlik faoliyati va o'zini o'zi band qilishni davlat tonomidan tartibga solishini soddاللشیتیش chora-tadbirilar to'g'risida”gi 4742-sonli Qarorda belgilangan 101 turdagи mehnat faoliyati bilan shug'ullansa hamda o'rnatilgan tartibda o'zini o'zi band qilgan shaxs sifatida ro'yxatdan o'tib, bazaviy hisoblash miqdorining kamida bir barobari (340 ming so'm)da ijtimoiy soliq to'lovini to'lasa, 1 yillik ish stajni hisoblanadi.

Pensiya miqdori ish haqи va ish stajiga bog'liq. Agar fuqaro ijtimoiy soliqni qancha ko'p to'lasa, pensiya miqdori ham shuncha yuqori bo'ladi.



"TILDA, FIKRDA, ISHDA BIRLIK"

-5°C / -10°C Korakalpogiston
 -5°C / -10°C Buxoro
 -3°C / -8°C Toshkent
 +4°C / +9°C Qashqadaryo
 -3°C / -8°C Andijon
 -5°C / -7°C Tashkent

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz

11-12 декабрь
кунлари Тошкентда
бўлиб ўтган
"Жадидлар:
миллий ўзлик,
истиқол ва
давлатчилик"
мавзусидаги
халқаро илмий
конференцияда
АҚШ, Германия,
Нидерландия,
Озарбайжон,
Туркия, Швеция,
Ўзбекистон,
Киргизистон,
Қозғистон ва
Япония сингари
мамлакатлардан
таникли олимлар
қатнашди.



ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ ЖАДИДЧИЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Бутун дунёдан йигилган олимлар конференцияда жадидлар тарихи, унинг илмий тадқиқ этилиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама килиши.

АҚШдаги Карлтон коллежи профессори Абид Холид айтганидек, Жадидчilik харакати жуда кенг қамровли ва мураккаб жараён бўлган.

Шу боисдан биргина мақолага унинг кўлами, фаолияти ҳақидаги тафсилотларни сигдирib бўлмайди. Лекин, бир ҳақиқат борки, уларнинг умри, куч-ғайрати, азоб-уқубатлари юрт мустақиллиги, халқининг билимли ва бирдам бўлиши учун бағишланганди.

Тадбирнинг иккинчи куни Касаба уюшмалари федерацияси саройида очиқ панель бўлиб ўтди. Очик сухбатда Абид Холид, Хисо Комацу, Темур Хўжаўғли, Зайнобиддин Абдурашидов сингари олимлар нутк сўзлади.

Иккинчи очиқ сухбатнинг Касаба уюшмалари федерацияси саройида ўтказилишида қандайдир рамзи мавно бор, деб ўйладим. Чунки қурилган пайтда "Колизей", деб атальган бу тарихий бинода 1914 йили илк бора Беҳбудийнинг "Падаркуш" драмаси оммага намойиш этилган.

"Падаркуш"нинг ёзилиши ва унинг саҳнлаштирилиб оммага намойиш этилишининг ҳам сабаблари, мақсадлари бўлган. Тадқиқотчilarнинг фикрича, ўша пайтда ўлкамиз ахолисининг катта қисми саводсиз бўлган, бу эса газета ви таборлар орқали ҳамманинг дунёқарашини ўзгартириш, илмли қилиш имконисигини англатган.

Буни ҳаммадан яхши билган Беҳбудий "Падаркуш" драмасини ёзди ва ўқиши-ёзишини билмаган аҳоли қатламига шу орқали илим беришга, таълим-тарбиянинг инсон ҳаётидаги ўрнини ўтиришга ҳаракат қиласди. Мана, нима учун Туркiston жадидларининг ўйлобчиши, деб айнан Беҳбудий тан олинган.

Тадбир бошланишидан анча оддин "Колизей"га етиб бордим. Залга киришим билан йигилганлар орасида ёшларнинг кўплиги, очиги, мени ҳайрон қолдири. Эътиборлиси, йигилганларнинг деярли хеч бири телефонини титкиламасди. Бу бугунги тадбирларда камдан-кам учрайдиган холат аслида. Ҳатто ўта жиддий йигилишларда ҳам телефонидан бошини кўттармай ўтирадиганлар сони талайгина бўлади. Тушундимки, бу ерга хеч ким мажбурият юзасидан келмаган, ҳаммани ўз хоҳиш-истаклари, қизиқишлиари етаклаб келган.

Тадбир бошланиши билан модератор ҳам, илк сўзни олган Темур Хўжаўғли ҳам йигилганлар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил қилганидан хайратдалигини айтиб ўтишибди.

Темур Хўжаўғли (таникли жадидчилардан бири Усмон Хўжаевнинг ўғли) сўзи аввалида жадидларнинг меросини давом эттириш сизларга боғлиқ, деб ёшларга мурожаат қилди. Биласизми, инсоннинг ёшини ўлчайдиган иккиси хил ўлчов бор. Бири йиллар нуктаси наزارидан, иккинчиси рух нуктаси наزارидан. Мен ҳозир рухан 18 ёшдаман. Нега мен бундай деярман? Сабаби, отам 87 ёшдалигига менга у ўзини 18 ёшдек хис қилишини айтиган. Ваҳоланки, отам 70 ёшда бўлганда мен дунёга келганман. Отамнинг бу гапларини мен хеч қаҷон ёдимдан чиқармадим, деган гапларини эшитганимдан кейин руҳий барка-моллиқда гап кўплиги ҳақида ўқиганларим,

**Буғунги нуғузли анжуман ҳар биримизни
маънавий үйғоқлик ва огоҳликка чорлаб,
қалбларимизда улуғ аждодларимизга хос
азму шижоат туйғуларини юксалтиришга,
халқларимиз ва давлатларимиз ўртасида ўзаро
дўстлик ва қардошлиқ руҳини, илмий-маданий
алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат
қиласди, деб ишонаман.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Эшитганиларимни эслаб бунга икror бўлдим. Чунки, Темур Хўжаўғли ёши 75 дан ошган бўлишига қарамасдан, ёшига нисбатан жуда тетик, фикрлари тартибли, кўзлари чақнаб турди.

Темур Хўжаўғли яна бир фикрни айтиди: агар Туркiston мухторияти яшаб қолганда, яъня ўлка халқлари ўзининг хуқуқий давлатчилигини асраб қолгандага Беҳбудий, Фитрат сингари фидойилар чет элга ўқишига жўнатган ёшлар тури соҳаларда етук мутахассис бўлиб ўргта қайтади ва ўлка мамлакатлари ҳозирги Ғарб, Япония ва АҚШ каби риҷоғланган давлатга айланарди. Ёшлар, албатта, Ғарбда таълим олиб юрга қайтарди. Ахир, бежизга Фитрат уларни Самарқандга олиб бориб, Амир Темур қабри устида онт ичиримаган.

Яна бир сўзга чиқсан жадидшунос олим Зайнобиддин Абдурашидовнинг айтишича, халқаро тадқиқотларда жадидчilik ҳаракати З хил талқин қилинади.

Биринчи талқин, жадидчилар динни реформа килишмокчи бўлган, иккинчи талқин, таълимни реформа килиш, учинчи талқинда эса, ўзлики излаш, деб талқин қилинади.

Жадидшунос олимимизнинг айтишича, ҳозирги кунда у киши Фитрат ҳаётни ва фаолиятини ўрганаётган экан.

- Садриддин Айнийнинг ёзишича, ўша пайтдаги мадраса толибларининг орасида Фитратдан билимлиси бўлмаган. Ўз навбатида Фитрат Истанбулдаги олий таълимдан кейинги таълимни берадиган олийгоҳда ҳам ўқиган ва ўз даврининг йирик билимдони бўлган.

Тадбирнинг биринчи қисми якунидаги савол-жавоблар бўлди. Унда биринчи янграган савол нега шунча йил ўтса ҳам "ўрта турк" илиш ишлаб чиқилмади мазмунидаги бўлди.

Темур Хўжаўғли саволга жавоб берар экан, туркӣ алифбо яратилмасдан турби, "ўрта турк" тилини ҳақида гапириши ноўрин бўлди, деди. Қолаверса, "ўрта турк" тили яратилган тақдирда ҳам ўзбеклар ўз тилидан воз кечмайди, турклар ҳам худди шундай. Ахир ўзининг тилидан воз кечиш ҳам нотўғрида аслида. Ҳамма учун тушунарли алифбонинг яратилиши ҳам туркий халқлар бир-бирининг ёзувини тушунарди, бемalol ўқий оларди.

Темур Хўжаўғли 15 йил давомида амрикаликларга ўзбек тилидан дарс ўтгани ва улар алифбо сабабли бизнинг тилимизни ўрганишга қийналгани ва ўзбет тилида "сингар-

монизм", йўқ деганини, у эса ўзбек тилида "сингармонизм" бор, факат алифбода йўқ, деб тушунтирганини ҳам айтиб ўтди.

Унинг берган маълумотларига кўра, 1930-йиллар охирида айнан ўзбек тилининг алифбоси "марказ"дан ўзгартирилган ва ундан айрим унлилар тушириб қолдирилган экан.

Лингвист, адабиётшунос, тарixchi va politolog сифатида дунёга машҳур бўлган Темур Хўжаўғлининг ўмим даражасига лол қолдим.

Шу пайт ҳаёлимга қачонларидир учратган бир маълумот кеди. Унда жадидларнинг фарзандлари ҳам таъқиб остига олингани, уларни болалар уйига топшириб, кейинчалик ўзлари учун керакли мутахассис қилиб тарбиялашиб, улардан фойдаланишгани айтилганди. Биргина Усмон Хўжаевнинг ўғли бўлган Темур Хўжаўғлини жамият учун, туркий халқлар учун қанчалик керакли мутахассис эканлигини англаб, агар мустамлака бўлмасдан, ҳамма жадид намёндадари ва уларнинг авлодлари шу юртда фаолият юритганида ҳозир бошқача жамиятда яшаётган бўллардик, балки.

Тадбир 3 тилда ўзбек, инглиз ва турк тилларida олиб борилди. Бугун биринчи марта турк тилини жонли тинглаб, тушунишга ҳаракат қилдим. Бироз диккат билан тингланса, турк тилини тушуниш мумкин экан. Тадбир жуда яхши ташкил қилганини хориждан келган меҳмонлар ҳам мамнуният билан айтиб берди.

Тадбирда йигилганлар жадидлар руҳини, улар қолдириган мероснинг юкини ҳис қилди, деб ўйлайман. Биз йиллар давомида деярли бир асрлик тарixhimizдан айро, бошқачасига айтиганди. Ҳадидшунос олимимизнинг айтишича, ҳозирги кунда ишлаб чиқилмади мазмунидаги бўлди.

Темур Хўжаўғли саволга жавоб берар экан, туркӣ алифбо яратилмасдан турби, "ўрта турк" тилини ҳақида гапириши ноўрин бўлди, деди. Қолаверса, "ўрта турк" тили яратилган тақдирда ҳам ўзбеклар ўз тилидан воз кечмайди, турклар ҳам худди шундай. Ахир ўзининг тилидан воз кечиш ҳам нотўғрида аслида. Ҳамма учун тушунарли алифбонинг яратилиши ҳам туркий халқлар бир-бирининг ёзувини тушунарди, бемalol ўқий оларди.

Темур Хўжаўғли 15 йил давомида амрикаликларга ўзбек тилидан дарс ўтгани ва улар алифбо сабабли бизнинг тилимизни ўрганишга қийналгани ва ўзбет тилида "сингар-

монизм", йўқ деганини, у эса ўзбек тилида "сингармонизм" бор, факат алифбода йўқ, деб тушунтирганини ҳам айтиб ўтди.

Биз йиллар давомида деярли бир асрлик тарixhimizдан айро, бошқачасига айтиганди. Ҳадидшунос олимимизнинг айтишича, ҳозирги кунда ишлаб чиқилмади мазмунидаги бўлди.

Темур Хўжаўғли саволга жавоб берар экан, туркӣ алифбо яратилмасдан турби, "ўрта турк" тилини ҳақида гапириши ноўрин бўлди, деди. Қолаверса, "ўрта турк" тили яратилган тақдирда ҳам ўзбеклар ўз тилидан воз кечмайди, турклар ҳам худди шундай. Ахир ўзининг тилидан воз кечиш ҳам нотўғрида аслида. Ҳамма учун тушунарли алифбонинг яратилиши ҳам туркий халқлар бир-бирининг ёзувини тушунарди, бемalol ўқий оларди.

Темур Хўжаўғли 15 йил давомида амрикаликларга ўзбек тилидан дарс ўтгани ва улар алифбо сабабли бизнинг тилимизни ўрганишга қийналгани ва ўзбет тилида "сингар-

монизм", йўқ деганини, у эса ўзбек тилида "сингармонизм" бор, факат алифбода йўқ, деб тушунтирганини ҳам айтиб ўтди.

**ШИФОКОР
ПИРОТЕХНИКА
ВОСИТАЛАРИ
ЗАРАРИДАН
ОГОҲЛАНТИРДИ**



Янги йил байрамигача ҳали вақт бор. Аммо аллақаҷон кўча-кўй, турар жойлар атрофи ва бошқа жамоат жойларида "пакилдок"лар кулоқни қоматга келтира бошлади. Қонуний тақиқларни четлаб ўтиб, бундай матоҳларни яширинча пуллаётгандарни жондан азиз фарзандларимиз саломатлиги ташвишига солмаслиги табиий.

Бироқ пиротехника воситаларининг асосий ҳаридори бўлган ўйинқароқ болалар ўсмирларни нега ота-оналари, яқинлари, устоз-мураббийлари, кенг жамоатчилик вакиллари етарлича назорат килмаяпти?

**Даврон Тўлаганов,
Республика шошилинч тиббий
ёрдам илмий маркази баш
директори:**

— Бу мавзуға тақрор тақрор тұхтalamiz, "пакилдок"ларнинг саломатлик ва ҳаёт учун хавфли жиҳатлари хусусида чиқишилар қилимас. Лекин, афуски, бу муаммо хар қиши фаслида қаршиимиздан чиқишилариди.

Мана, ўтган мавсумда Янги йил арафаси ва байрамдан кейинги кунларда пиротехника воситаларидан олинган жароҳатлар туғайли марказимиз ҳамда унинг худудий филиалларига ўнлаб оғир ахволдаги беморлар мурожаат қилди. Энг ғөмни, улардан 50 физиохонада узоқ ётиб даволанишига тўғри келди. Ҳатто баъзилари ҳануз асоратлардан азият чекмоқда.

Чунки бундай воситаларининг беҳосдан қаттиқ пакилларни кишиларни чўчитиб, юрак-қон томир тизимиға ўта салбий таъсир кўсатади. Ушбу ҳолат фожиали ўлим билан ҳам якун топиши мумкин.

Юз, кўз, кўл соҳаларида оғир кийиш жароҳатлари;